



Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 5 июль жума
Соғувда эркин нархда
№ 140 (2968)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Миллий матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий ахборот воситалари ходимларининг республика таълим ва соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Сўнги йилларда журналист иктисослашуви борасида жиддий фикрлар билдирилмоқда. Журналист ўзи қаламга олган мазунни қанчалик чуқур билса, шу соҳанинг ютуқ ва камчиликлари, муаммоларини тереин таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Натижада мақола ҳам ҳолис, ҳам ҳар томонлама ишонарли чиқади. Шу маънода Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган учрашуви ўзига хос семинар кўринишини олди дейиш мумкин. Учрашувада таълим ва соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари шу соҳаларда қалам тебратётган журналистлар билан бевосита мулоқотга киришди.

Табир давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, унга кўра таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, таълим муассасалари молий-техника базасини мухтарамлаш, ўқув-тарбия жараёнини дарслик ва ўқув адабидларининг янги авлоди ҳамда илгўр педагогик технологиялар билан таъминлаш, педагог ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, барча таълим турларида мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чора-тадбирларининг ҳақиқатлари ҳақида фикр алоқасида мулоқот бўлиб ўтди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастурида белгилаган вазифаларни бажариш юзасидан эришилган натижалар, хусусан, мамлакатимизда сифат жиҳатдан янги, ташкилий жиҳатдан уйғунлашган, жаҳон талабларига жавоб берадиган, бепул шунинг табиий ёрдам тизими, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни такомиллаштиришни, аҳолига кўрсатилган таълимий хизмат сифатини янада ошириш, мамлакатимизга сифатсиз дори-дармон воситаларини нақсонли кириб келишининг олдини олиш борасидаги ишлар кўлими ҳақида ҳам етарли маълумотга эга бўлди.

Шунингдек, бу борада айрим кишиларнинг бепарволиги ва лоқайдлиги, хизмат вазифасини яхши билмаслиги ёки сунъий равиш билан юзга келадиган ҳар икки соҳаларни муаммо ва камчиликларнинг олдини олишда кенг жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни ниҳоятда катта эканлиги таъкидланди. Бунинг учун журналистлар соҳада амалга оширилаётган ислохотлардан чуқур хабардор бўлишлари лозим.

Шу билан бирга, айрим соҳа раҳбарларининг турли баҳоналарни рўқач қилиб, матбуот ходимлари билан мулоқотдан қочиши, уларнинг саводларига етарлича жавоб беришни ҳоҳламаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шу боис бутунлиқ учрашувлар, ошкора савол-жавоблар журналистларнинг соҳадаги ўзгаришлардан тўла хабардор этилиши, шу асосда иктисослашуви учун тўғри муҳим аҳамиятга эга. Учрашува шу ҳақда бир қанча мулоқазалар билдирилди, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларида фикр алмашилди.

Бундай табдилларнинг аҳамияти катта. Негаки, Президентимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган таърифида таъкидлагандек: "Сизлар ҳақида гапирганда — сийсатчи, иктисосидёт ҳақида — иктисосчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида — маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар ҳусусида фалсаф бўлиб баҳта кўришни — мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётингиз ўзи журналистларнинг олдида энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда".

Учрашув қизгин баҳс-мунозарга бой бўлди. Журналистлар ўзарининг, газетхон ва томошабинларни қизиқтирган қўлдан-қўл саволларга аниқ жавоблар берди. Сўбат якунида бўлиб ўтган учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш, бошқа вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳам оқил мулоқотларга жалб этиш ҳар икки томон учун, энг муҳими — жамият тарраққотиши учун фойдали эканлиги таъкидланди.

(ЎЗА).

ЁШЛАР ФОРУМИ

Хатирчи тумани марказидаги "Ёшлик" истироҳат бонди туман ёшларининг мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган "Ёшлар — истиқлол таянчи, Ватан қувончи" деб номланган форуми бўлиб ўтди. Уни туман ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Фидокорлар миллий демократик партияси туман кенгаши ҳамкорликда ташкил этди. Умрининг эл-юрт равнақи учун бағишланган нуруний отахонлару онахонлар, жамоатчилик вакиллари форум қатнашчиларини самимий қутлади.

Форум қатнашчилари баркамол авлоднинг тарбиялаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, бу жараёнда ўсиб келаётган авлоднинг ўрни ҳусусида фикр алмашди. Спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Форум якунида истиснодлик хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

тумандаги Охунбобоев номи ширкат хўжалигининг 5-бригадасида 12,5 гектар, Навоий номи ширкат хўжа-

даражада шикаст етказилган.

Риштон туманидаги «Риштон» ширкат хўжалигининг «Хуррамобод» бўлимига кираверишда эса темир лавҳага «Фалани ёнғиндан сақланг!» деган широк ёзиб қўйилган. Қарангки, мана шу жойдан бир неча қадм нарида, И.Бозоров раҳбарлик қилаётган ижарачи бригадада ҳам 2 гектар майдонга ўт қўйиб юборилган. Бунга нима дейсиз? Ёнғинга қарши курашувчиларнинг фаолияти фақат гапла хосиллини йиғиштириб олиш билан чегараланиб қолганими? Ахир, ҳосилдан бўшаган ерларга ўт қўйиб юборётганларнинг оғоҳлантириш, керак бўлса, жазолаш, бу ишнинг олдини олиш ҳам уларнинг вазифаси эмасми? Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрадиган пайт келди, деб ўйлайми. Зеро, бизни боқайтган, ардоқлаётган бу заминдан биз ҳам муҳаббатимизни дариг тутмайлик.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи»
ЎЗ мухбири.

АРМОНЛАРИ УШАЛГАН ЗАМИН

ТАҚҚОСЛИ ТАҲЛИЛ

Биз мустақиллик туфайли яратилган имкониятлар ҳақида кўп сўз юритамиз-у, лекин муайян бир жабҳада аввалги замондаги шарт-шароит, муҳитни бугунги воқелик билан кам солиштириб кўрамиз. Ахир эркин бозор иқтисодиётида чин дилдан ишлашни истаган замондошларимиз қандай кенг уфқларда қанот ёзаётганини хурлик ва ташаббус чекланган даврдаги ҳолатлар билан муқояса қилганимиздагина истиқлол неъматини қалбдан хис этамиз-ку.

Ана шундай кузатишларимизни Андижон вилояти мисолида баҳам кўрмоқчимиз. Албатта, иқтисодий ислохотлар жадал жорий этилаётган ушбу вилоят бугунги кунда бутун мамлакат миқёсида намуна даражасига кўтарилганини сизга аён. Лекин бундай поғонага бирдан эришилдими? Хали бозор қоидалари татбиқ этилмасдан бурун мазкур масқанда ахвол қандай эди? Шу ўринда беихтиёр андижонлик ёзувчилар Рустам Раҳмон, Мирза Карим, Анорбой Куронбоевнинг республика матбуотида 1990 йил 21 февралда чоп этилган «Андижонликлар армони» мақоласи хаёлимизга келади. Уша пайтда кенг жамоатчиликда шов-шув уйғотган бу чиқиш инқироз гирдобига тушган Андижоннинг ҳасратини, керак бўлса, исённи ифода этганди. Буни қарангки, вилоятнинг ночор аҳолидан бонг уриб ёзилган бу мақола Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинишидан роппа-роса 555 кун муқаддам чоп этилган экан.

Куйида биз ўша мақоладан айрим иқтибосларни келтирамиз, бу ўринда маъмурий атамалар шўро даврининг нуқси эканлигини газетхон тўғри тушунади, деб ўйлаймиз.

«Область саноат ишлаб чиқаришидаги аҳвол гоёт ташвишланарли даражада. Бу соҳада планлар шартнома мажбуриятларининг бажарилишини кўйиб ҳисоблаганда тўрт йилдан бери узлуксиз бажарилмай келяпти. Утган йил якунлари ҳам ана шундай: ҳар учта корхонанинг бирида ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан камайтириб юборилган».

«Қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик соҳасидаги ишлар, айниқса, ачинарлидир. Областа 1986 йилдан бери пахта тайёрлаш планлари узлуксиз бажарилмай келяпти. Областадаги 147 та хўжалиқдан 82 тасигина йиллик планни бажаришга эришди».



ХИРМОНГА БАРАКА!

Шу лаҳзаларда Аҳмадullo Пирматовнинг қафти бугдойга, кўнгли ғурура тўлиб турган пайт. Ўзи бўладими, 11,5 гектар майдондан 100 тоннадан зиёд ҳосил олинди. Бу натижа Балқичи туманидаги Алишер Навоий номи ширкат хўжалигида энг олд кўрсаткич. Андижонда Аҳмадullo Каби пудратчилар ҳар бир хўжалиқда бор.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ҳа, хоҳлаймизми-йўқми, бу сатрлар Андижоннинг 1990 йилдаги ҳолатини акс эттиради. Хали чин маънодаги бозор иқтисодиётига қадам қўйишга, ташаббус ва эркинликнинг халқ қалбига малҳам бўлишига бир оз вақт бор эди. Андижонликларнинг илғорлик даражасига чиқиши у даврда ҳали армон эди. Ҳўш, бундан биз билган Андижон шухрат шохсупасига бирдан

эришдимиз? Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки жаҳон ғаллачилиги тарихида рекорд марраларни забт этиш бир кун, бир ой, ҳатто бир йилда содир бўлгани йўқ. Мутахассислар томонидан мўъжиза дея баҳоланаётган кўрсаткичларга йиллар мобайнида муттасил изланиш, кунт ва сабот эвазига эришилди.

(Давоми 2-бетда).

МУЖДАЛАР

САМАРҚАНД

вилояти ғаллакорлари давлатга дон топириш шартномасини режасини удаллодилар. Ҳозиргача 261500 тоннадан ортиқ сара дон тайёрланди. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 50,6 центнердан ҳосил олинди. Эришилган меҳнат зафориға вилоятдаги барча туманлар, ширкат хўжалиқлари, фермер ва деҳқон хўжалиқлари муносиб ҳисса қўшилди.

Вилоят ғаллазорларида ҳали ҳосил кўп. Урим-йғим кизгин давом этапти. Ғаллакорлар давлатга кўшимча равишда яна 10000 тонна дон етказиб беришга оҳд қилишди. Демок, бу йил деҳқон омибори яна ғаллага тўлади.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН

вилояти ғаллакорлари ўз сўзлари устидан чиқдилар. Бугунгача 223,4 минг тонна сара дон тайёрланди, давлат шартномасини режаси удаллоди. Тармоқда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, ер чинақом соҳибини тоғони боис ғаллазорлар ҳосилдорлиги ортмоқда. Кейинги икки йилнинг ўзида гектарлар саноадорлиги 14 центнер ортиб, 47,3 центнерга етди.

Ғалла уручилигиға эътибор ўз саморасини берапти. Бу йил вилоят тарихида биринчи бор 20 минг тонна юқори ноили урулик жамғарилди. Унинг 85 тоннаси супер-элига урулиқдир. Вилоят ғаллазорларида ўрим-йғим кизгин давом этамоқда. Мақсод — ҳосилдорликни 48 центнерга, яли хирмонни 370 минг тоннага етказишдир.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ТАДДОРИК

Шу кунларда Нукус ўзининг 70 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик кўраяпти

Шаҳар кўча ва хиёбонлари ободонлаштирилиб, янги бинолар бунёд этилмоқда, эски иморатлар замонавий меъморчилик аниқналари асосида қайта таъмирланаёпти.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ, шаҳар юбилейни муносабати билан 1-республика касалхонаси ҳам реконструкция қилинмоқда. Бу ишни «Қорақалпоққуқуросаноатқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли 3-қурийдан бошқармаси бунёдкорлари бажараяпти.

— Иншоотни тўла таъмирлаш учун 350 миллион сўм сарфланади. Шу пайтга қадар 80 миллион сўмлик иш бажарилди, — дейди қурилиш участкаси бошлиғи Сабит Омонтушев. — Бу ерда юздан зиёд қурувчи меҳнат қилаёпти.

Шаҳар ҳокимлигининг коммунал қурилиш бош бошқармаси бюртамасига асосан қайта таъмирланаётган шифохонанинг томи янгиқланиб, қурилиш деярли тугалланди. Тез кунларда пардозлаш ишлари бошланади.

А. ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

СУРАТЛАРДА: бугунги Нукус кўришлари.
Р. ЖУМАНИЕВ олган суратлар.



«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Соғлом муҳит — соғлом қариялик» дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикасига қарийб 35 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қарор қилди. Улар асосан озиқ-овқат, кийим-кечак, оқсилга бой озуқавий-даволаш препаратлари, қадокданган тоза ичимлик суви, дезинфекциялаш

эритмалари, сув насослари ва бошқалардан иборат. Мазкур хайрия ёрдами экология ва саломатлик кунларининг иккинчи босқичи доирасида «Оролбўйи оналари ва болаларига» ширини остида ўтказилган умумреспублика экологик шанбаалигидан тушган маблағ ҳамда қатор вазир-

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

лик ва идоралар, элчиҳона ва халқаро ташкилотлар, корхона ва фирмаларнинг ҳомийлиги асосида ташкил этилди. Хайрия ёрдамлари минтақадаги чекка туманларда яшовчи, кам таъминланган қарияларга топширилади.

Жаҳонгир ИШОНХУЖАЕВ.

Кўпчилик «Спартак» кинофильмидаги жанг майдонини яхши эсласа керак. Туну кун жанг кечган майдондаги ўт-ўланлар, ҳали ҳосили йиғиштириб олинмаган ғаллазорларга ўт қўйиб юборилади...

Агар шу кунларда Фарондан Қўқонга ёки Марказий Фарғона қўли оғрали Андижон томонга йўлингиз тушиб қолса, худди шундай ёнаётган далаларни, ўт ва олов исқанжасида қолган дов-дарахтларни кўриб, хайратланишингиз турган гап. Нима, бу жойларда ҳам бирорта янги бадий фильм ёки кўп қисмли асар суратга олинаптими? Асло! Унда нима гап?

Данғара туманидаги «Ишонч» ширкат хўжалигининг фермери Алижон Хусайнов бу йил 4 гектар майдондан ҳар қанчонгидан кўп ғалла йиғиштириб олди. Шартнома режаси ҳам бажарилди, унинг омибори ҳам донга тўлди. Афсуски, шунча саховат кўрсатган заминга фермер бадкўрлик қилди. Тунда ҳосилдан бўшаган ерга сомон ҳамда ўт-ўланларни йўқотиш мақсадида ўт қўйиб юборди. Лекин улар билан бирга дала четидидаги 60 тул тут дарахти, ихота тарикасида экилган 14 тул тол ҳам



ЁНАЁТГАН ДАЛАЛАР

бунга ҳеч ким бефарқ қарамаслиги керак

ётиришининг иложи бўлмади. Натижада 300 тулдан зиёд тут дарахти, 60 тулға яқин терак ва катта тол ҳам хаш-паш дегунча ёниб кул бўлди. «Қош қўяман деб, кўз чиқариб» қўйган фермер энди ана шу қурилган зарарнинг пулини тўлаши аниқ. Аммо бундай ишга қўл уришдан олдин у ёниб-битган дарахтлар неча йилда катта бўлганини ўйламадимикин?

Хосилдан бўшаган далаларга ўт қўйиш жиноят эканлиги ҳақида одамлар оғоҳлантирилган бўлса-да, шу

АРМОНЛАРИ УШАЛГАН ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Келинг, она юртимизнинг галла муқталигига эришишга салмоқли ҳисса қўшган, бу борада карвонбоши бўлган Андижон дончилигидаги айрим манзил-

ларга биргаликда назар ташлайлик. Албатта, бу билан ютуқлар омилини тўла баён этолмасак-да, шундай натижаларга эришиш бошқалар учун ҳам ибрат вазифини ўтаса, ажаб эмас. Андижон галлачилиги-

нинг ҳар бир йили тармоқда катта мактаб яратиш йўлидаги интилишларни муайян даражада акс эттириши мумкин. Шунинг учун вилоятда кейинги тўққиз йил мобайнида қандай ўзгаришлар содир

бўлганлигини ҳис этиш мақсадида шу кунги кўрсаткичларни 1993 йилдаги ҳолат билан солиштириб кўрмоқчимиз. Демак, тўққиз йил аввал ва бугун.

1993 йил

Ҳаммаси бўлиб 15704 гектар майдонда галла етиштирилди. Ялпи ҳосил 51,7 минг тоннани ташкил этди. Давлатга 49164 тонна дон топширилди. Ҳар гектар майдондан 32,9 центнер бугдой олинди. Галла майдонларини озиклангич эскича усулда давом этарди, ғўзалар ортангитлар бугдойга бериларди.

Бу даврда галланинг «Санзор-8» ва «Безостан» каби навлари экиларди, серҳосил навлар бўлмагани учун 40 центнерлик натижа орзу саналарди.

Ўрим-йирим муддати қарийб икки ой давом этди.

Ҳали галла етиштиришнинг мактаби яратилмаган, шу боис бошоқли дон акарият жойларда асосий экиндан қолган майдонларда етиштирилди.

У пайтда аҳолига дон акарият расман йўлга қўйилмаганди.

2002 йил

Бошоқли дон экинзорлари 74.439 гектарни ташкил этди. Ҳозиргача етиштирилган ҳосил 439,5 минг тоннадан ошди. Она-Ватан оғиборларига 256,5 минг тонна дон etkazиб берилди. Бугунгача вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 77 центнерга етди.

Экин оқидан 350-400 килограммдан суперфосфат, туңроқ шaroитига қараб 50-100 килограммдан калийли ўғит солинди. 2-4 тадан барг пайдо бўлган, тектарики 120-130 килограммдан карбонид берилди.

Эндликка вилоят даладарига «Половчанка», «Крошка», «Уманка», «Княжик» каби серҳосил навлар экилиб, улар мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига шу ерлар учирма бўлмоқда.

Йиллик шартнома режасини бажаришга 20 кун қийоға қилди.

Дон хирмонини яратишда 194 та ширкат ҳўжалиги, 2504 та фермер, 8744 оилавий пудратчи иштирок этди.

Йиллик шартномани ошириб бажарган жамоалар (вилоятда бажармаган жамоа йўқ) ўзлари учун мўл-кўл донга эга бўлишлар, фақат дон сотишдан 24,8 миллиард сўм даромад олиш кўпайитти.

Сиз танишган бу рақамлар асосан вилоят микёсидаги статистик маълумотлар бўлиб, улар андижонликлар эришган марраларни қисман акс эттиради, холос. Қолаверса, шу йиллар мобайнида деҳқоннинг онгу тафаккурда, аҳоли руҳиясида шу қадар ўзгаришлар, таъбир жоиз бўлса, арилишлар содир бўлдики, уларни ифодалаш учун рақам-қў рақам, муносиб сўз тополмаймиз. Бундай ангиланлиларнинг факат кўриш, замонамиз қаҳрамонлари билан юзмаюзу суҳбатлашиш орқалигина ҳис этиш мумкин.

Ҳали галла етиштиришнинг мактаби яратилмаган, шу боис бошоқли дон акарият жойларда асосий экиндан қолган майдонларда етиштирилди. У пайтда аҳолига дон акарият расман йўлга қўйилмаганди.

оҳангда. — Биз экинга яна бир нарсаси қўшамиз. — Нима экан у? — қизиқсиниб сўрайди унинг суҳбатдоши. — Меҳр. Ана шуни кўпроқ бериш, усимлик ҳам биздан саховатини аймайди.

Ахир ўйлаб кўрайлик, илгари ўзбекистон йилига четдан бир ярим миллион тоннагача дон олиб келарди, бунинг учун пахтамои тиласини, валтасини сарф қиларди. Минг шукруки, энди мамлакатимиз бу масалада ҳеч қимга қарам эмас. Биргина шу омил ҳақида ўйлаганда, ғайрати тошиб кетамди кишининг. — Олтинсмон дала узра қудратли комбайн олға интилади. Унинг руҳини бошқарган азамат йигит сербосиқ галлароз қўйнида чарчоқ билмайди. Комбайнчи мангалайдан оққан тер маржон ағилги ерга тушади. Бу замин — унинг она Ватани! Шу азиз Ватан — барчамизники. Киндик қанчимиз, пешона теримиз тўкилган юртининг шону шавкатли олам аро донг қозонини сизга, менга, унга — ҳаммамизга боғлик.

Шўҳрат ЖАББОРОВ, Одижон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнес — устувор йўналиш

Яқинда Навоийда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ташкил этишни ривожлантириш, уларнинг фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Айниқса, Президентимизнинг тадбиркорликка интилиб, ўз ишини бошламоқчи бўлиб юрган ақлзаковатли, ташаббускор одамларга етарли эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари бу борада дастуриламал бўлди.

Сессияда таъкидланганидек, улкан иқтисодий салоҳиятга эга вилоятда тузилган 25 та қўшма корхонанинг бор-йўғи 8 таси санат соҳасида фаолият олиб боради. Қўнуний ҳақ-хўқўқларини ҳимоя қилишни сўраб адлия идораларига мурожаат қилиш ҳолларининг кўпайиши, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш, уларга кредитлар ажратиш соҳасида сансалорликларнинг қўлиги тадбиркорлар билан ишлаш тизимини қайта йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Ҳома ш ё н и н г мўлдатини, минглаб турдаги бутловчи қисмларга эҳтиёж сезилган йирик корхоналарнинг мажбуриятини вилоятда кичик ва ўрта бизнес омиллариди. Лекин та д б и р к о р л а к н и қўллаб-қувватлаётган тизим дегуви ишланмаётгани боис, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасида фаолиятни тўхтатиб қўйганлари ёки рақобатга бардош беролмасдан синаётганлари кўпайиб кетмоқда.

Тадбиркорнинг ҳамқори ким? Албатта, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси. Шу боис палатанинг янги раҳбарияти «Реклама — бизнеснинг мотори», деган қондан ўз фаолиятининг мезонини қилиб олди. Кичик жамоани йиғиб, тадбиркорлар нима учун палатамизга аъзо бўлишга йди, нима учун ўз муаммолари билан бизга мурожаат этмайди? Чунки биз амалий иш билан узимизни кўрсатолмаймиз, рекламани сиз фақат натижага кўринадиган амалий иш бўлиши мумкин, дейилди.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шугулланаётган кўпгина кишиларнинг оқибатини таъминлаш бўйича ўзаро шартнома имзолади. Ишлар қисқа вақтда ва сифатли бажарилади. Қўшма корхона маълумияти тадбиркорларнинг ишини юқори баҳолади ва уларга шартнома ҳақида кўрсатилган пулни вақтда тўлади. Ҳамма хурсанд эди. Лекин...

ТАДБИРКОРНИНГ ЯҚИН ҲАМҚОРИ

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб келаётган ўн икки киши Зарафшон шаҳрида фойдаланиш топди. Улар «Зарафшон-Ньюмонт» ўзбекистон-Америка қўшма корхонасидаги ускуна ва жиҳозларни таъмирлаш бўйича ўзаро шартнома имзолади. Ишлар қисқа вақтда ва сифатли бажарилади. Қўшма корхона маълумияти тадбиркорларнинг ишини юқори баҳолади ва уларга шартнома ҳақида кўрсатилган пулни вақтда тўлади. Ҳамма хурсанд эди. Лекин...

Катта ҳақда бажарилган ишининг дарагини эшитган Зарафшон шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари тадбиркорлар ҳамда уларнинг фойдаланиш билан шугулланган материаллардан ёрдам берилди. Бу эса уларнинг тўхтовсиз ишлашига имкон бермоқда.

Палата аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларига техник ва технология ёрдам кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Чунки палата аъзоси бўлган тадбиркор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун хориждан технология ускуналар келтирилган бўлса, уч фойзлик давлат божидан

ёнмайди, қўймайди, экологик жиҳаддан мўлақоқ берар. Синоллардан маълум бўлишича, тош толаси ишига таладан турт баравар самаралироқ экан. Палата фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан яна бири бозор иқтисодиёти қонуларини яхши билдиладиган тадбиркорларни тайёрлашдан иборат. Бу ерда республика Бизнес мактабининг Навоий филиали ташкил этилган бўлиб, унда бозор инфратузилмалари учун таъмирчи кадрлар тайёрлаш билан шугулланиш истагида бўлганларни бозор қонуноқдаларига ёрдам бериш йўлга қўйилган. Бугунги кунда ўқув даргоҳида 350 дан ортиқ талаба иқтисодий ҳўқўқ, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, солиқ, менежмент, банк ишларини ўрганмоқда. Битирувчиларнинг ўз малакаси мо ш топшиши ҳам маҳаллий ҳўқимият ва палата эътиборида. Мўҳими, ушбу палата тадбиркорнинг ҳақиқий ҳамқорига айланмоқда.

Мусулмон НАМАЗОВ, ЎзА мухбири.

Ўтган йили Очик Жамият институти Кўмак Жамгармаси — Ўзбекистон гранти лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Ёш олимлар миллий жамиятида «Интернет ўқув маркази» фаолият юрита бошлаган эди.

Халқаро сертификат топширилди


Марказ қисқа вақт мобайнида тиббиёт соҳасидаги илмий изланувчиларни ҳамда фаннинг турли соҳаларида илмий тадқиқотлар билан шугулланаётган ёш олимларни компьютер ва интернет тармоғидан фойдаланишнинг энг сўнгги технологиялари асосида ўқитди.

Кеча интернет маркази курсларини тамомлаган 167 нафар тинловчига Ўзбекистон Ёш олимлар миллий жамияти, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси таълим ва маданият бўлими ҳамда IREX ташкилоти томонидан халқаро даражадаги сертификат топширилди.

Х. ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МҲЙНОҚНИНГ ЮРАК ТОМИРИ

ҳисобланувчи «Дарё оралиғи» сув ҳавзаси бутун Оролбўйи ҳудудидagi экологик вазиятни юмшатишга хизмат қилади



Халқимизда «Харакатга баракат», «Қўп тилли қўл бўлу» деган мақоллар бор. Марказий Осеё Ҳамқорлиги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамиятининг Оролбўйи ҳудудидagi сай-ҳаракатларини юқоридаги нақдлар билан изоҳлаш ўринлидир. Айниқса, Марказий Осеё давлатлари раҳбарлари томонидан 1994 йилнинг 11 январида Нукусда тасдиқланган «Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилашга қаратилган амалий ҳаракатлар дастури» бу борадаги кенг қўламли ишларга қанот бахш этди, десак, муболага бўлмайди. 1995 йилнинг 20 сентябрида Марказий Осеё давлатлари томонидан Нукус декларациясининг қабул қилиниши ҳам мазкур йўналишдаги сай-ҳаракатларга амалий йўл очиб берди.

Орол денгизининг сатхи пасайиб, сув майдонининг қисқариб бориши, биринчи навбатда, шу ерда истиқомат қилиб, ўз иқтисодиётини бевосита денгиз манбалари асосида кўриб келган Мўйноқ тумани ва Мўйноқ шаҳри аҳолиси учун ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар туғдирди. Устига устак, Оқдарё ва Қипчоқдаги шохобчалари, «Дарё оралиғи» ҳавзаси, «Жилтирбас», «Думалоқ», «Мақдаль» кўллари, «Рибичи» ва «Мўйноқ» кўлликларидида суғириш ҳалдан ортиқ тақчиллашувчи бу ердаги вазиятни янада мураккаблаштирди. Боиси — туман иқтисодиётида шу ердан овлангандан балиқ, денгиз ҳайвонлари муҳим ўрин тутарди.

Утган асрнинг тўқсонинчи йиллари иккинчи ярмида ҳўқуматлараро сай-ҳаракатлар туғайли Халқаро Оролни кўтаруш жамгармаси экологик инқироз ҳудудиди жада катта қўламли ишларни бажаришга киришди. Айниқса, жаҳон ҳамжамияти иштирокида «Глобал Экологик Жамгарма» — ГЭФ лойиҳасини яратилиб, амалга оширида бошланган ўзини хос аҳамият касб этди. Умумий қиймати 22 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бу лойиҳа бўйича ҳудудда сув захираларини мувофиқлаштириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, мавжуд гидроншоотлар муҳофазаси, оқар сув ва ботқоқликларни қайта тиклаш, бу борада мониторинг юрйтишда бир қанча ишлар қилинди.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕХНАТ ЯРМАРКАЛАРИ САМАРА БЕРМОҚДА

Наманган — мамлакатимизнинг аҳолиси энг вилоятларидан. Табиқинки, вилоятда аҳолини иш билан тўлатиш масаласида алоҳида эътибор солинган. Шу боис, меҳнат бозоридagi вазиятдан келиб чиқиб, 2001-2005 йиллар мобайнида янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилган эди. 2002 йилда меҳнат бўлимидаги мурожаат этган фуқаролардан 75,2 фойзи иш билан таъминланди.

Меҳнат бўлимида маҳаллий ҳўқимият ва бошқа манфаатдор ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди вилоят ҳўқимияти меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бoш бoшқармасининг бошлиғи Баҳриддин Абдуллоев. — Одатда, турли ҳўқўқбузарликлар аксарият ҳеч қаерда ишланмайдиганлар томонидан содир этилади. Бу ҳолат бизнинг вилоятимизга ҳам тегишли. Шу боис янги иш ўринлари яратиш, аҳолини, айниқса, ёшларни меҳнатга жалб этишга мун-

тазам эътибор берилган. Шаҳар ва туманлардаги меҳнат бўлимидаги ходимлар ишчи ёшларни кўпроқ қишлоқ ҳўқимияти соҳаларига, пудрат асосида, доимий ва мавсумий ишларга, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этмоқда. Шунингдек, чет эл инвестицияси асосида ташкил этилган «Миришор» Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси, Ҳаққўлоба шаҳридаги Ўзбекистон-Литва «Интурив-тўқув ҳисдорлик жамияти», Чуст шаҳридаги «Мармар-Ф» маъсулиятнинг «Блок-Шамшир» шўъба корхонасида икки юзга яқин иш ўринлари яратилди.

И. РАЗЗОҚОВ, (ЎзА).

КЕЛАЖАККА ИНТИЛГАН АВЛОД


Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида анъанавий «Ўзбекистон қўшиқ байрами» бўлиб ўтди. У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан янги қўшиқлар яратиш ва уларнинг ижроси бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртлири ўртасида бўлиб ўтган танлов якунлари асосида таъкидланди. Танловда 33 олий ўқув юрти талабалар ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди.

Биринчи ўрин Тошкент Давлат педагогика университети ҳаваскор қўшиқчиларига «Юртга биздек авлод керек» (А.Обиджон шеври, А.Назаров мусикаси) ашуласи учун берилди. Учта иккинчи ўринга Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Тошкент Давлат шарҳунослук институти иждоий жамоалари сазовор бўлди. Учинчи ўрин Андижон, Қарши ва Термиз давлат университетлари, Тошкент молия институтини талабаларига nasib этди.

Махшур бастакор, Ўзбекистон махсус милицияси Давлат таъмирлаш маросими ҳам ўтказилди. Вазирлар Маҳаммаси ҳўқурдаги Давлат тест маркази — иқтисдор-

ли ёшларни танлаб олиш тизимини яратгани учун, Буҳоро Давлат университети — талабалар ўртасида спортни ривожлантириш борасидаги ишлари учун, Фаргона политехника институтини машиналар технологияси ва ускуналар кафедраси электрон дарслиқлар туркуми учун, Самарқанд Давлат университети функциялар назарияси кафедраси мудири С.Лақаев янги авлод дарслиқлари ва ўқув қўламанларини яратишга қўшган ҳиссаси учун ҳамда республикада энг яхши деб топилган Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги қурилиш ва миллий хўнармандчилик касб-ҳўнар коллежи муқофотлар билан таъкирланди.

А ИВАНОВА, ЎзА мухбири.



Ёз — ўтмоқда соз

Ҳисор тоғларига чикдинг, болажон...

Айни пайтда юртимиз мактабларига сокинлик чўнган. Ҳадемай, у ерда кўнграқлар садоси янграйди. Ҳар бир бола ўзи ҳордиқ чиқарган гўша ҳақида дўстларига мароқ билан сўзлаб беради. Ҳозирги айтар сўзлимиз эса ушбу ором-салар ҳақида...

Сурхондарё вилоят агроинноват мажмуи касаба уюшмасига қарашли ёзи болалар оромхоналарининг кўнчилиги Ҳисор тоғлари ёни бағридаги Хонжиза, Сина, Ваҳшиёр каби қишлоқлар ҳудудида жойлашган. Бу сўлим гўшалардаги 10 та болалар оромхонаси ўз бағрига уч сменда болаларни чорламқода. Болаларнинг мароқибат дам олишлари учун бу ерда кўнграқ шарт-шароитлар муркаб этилган. Тоғ бағрига уюштирилган турли саёқатлар, спорт мусобақалари ва чўмилиш уларнинг анда соғлом, бақувват бўлиб ўсишларига ёрдам беради.

Шунингдек, оромхоналарда ўтказилаётган шахмат-шашка, баскетбол, футбол, стол тенниси ва бошқа бир қатор спорт мусобақалари болаларнинг ёдидан анчагача чиқмас экан.

Сиз суратда кўриб турган кичиктоқлар эса Узуи туманининг баҳаво гўшаларидан бирида жойлашган Халмухаммад Қулиёнов номи ёзи болалар оромхонасида дам олишмоқда. Бу ердаги буюк суларидан отилиб чиқайтган фавворалар Сурхон воҳисининг 40-45 даражали иссиғини 15 даражагача салқинлаштиради. Ёзи муҳими, болалар бу ерда Ватанимизнинг гўзал бир гўшаси билан танишадилар.



И. ХҲҲАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига

Шаҳрисабз... Шарафли Турон заминининг сирли ва музайян тарихини ўз бағрига жойлаган, буюк Соҳибқироннинг бешигини тебратган, тафаккур оламининг не улуг даҳоларига зиё бахш этган, бугун эса ҳуррият офтобини бошига тож қилиб кийган қадим ва ҳаммisha навқирон шаҳар. Ҳатта ўн йил ичидида Шаҳрисабз шаҳри ва туманида бўлган ўзгаришларни бир нафас тасаввур таҳлилидан ўтказсангиз, кўнчил мусаффо ва ифтихор туйғуларига тўлади. Шаҳрисабз обидаларининг мамлакатимиздаги Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ёдгорликларидан сўнг тўртинчи бўлиб ЮНЕСКО ҳимоясига олинганлиги, ана шу нуфузли халқаро ташкилотнинг 2002 йилга мўлжалланган тадбирлар режасида Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлаш белгилаб қўйилганлиги фикримизни яна бир бор исботлайди. Шаҳрисабз тумани ҳокими Шомурод Ражабов билан сўхбат ана шу мавзуда бўлди.



ДУНЁ НИГОҲИ ҚАДАЛГАН ШАҲАР

— Дунёда ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган шаҳарлар кўп эмас. Шунингдек, 2700 ёшга тўлаган шаҳарлар ҳам бармоқ билан саналади. Айнан Шаҳрисабзнинг ана шу табарук ёшга етганлигини дунё аҳлига исботламоқ осон кечмаганлиги?

— Тўғри айтасиз. Бу, энг аввало, не захматлар эвазига қўлга киритилган муқтадрилигимиз шарофатидан. Унинг мусаффо эпкини тўғрисида қадриятларимиз тикланди, маданий меросимиз бутун бўй-баста билан намойиш бўлди, улуг аждоғларимиз элимизга қайтди. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш жараёнида теурийлар даври тарихини муқаммаб ўрганиш ва Кеш—Шаҳрисабзнинг аниқлаш мақсадида Ўзбекистон ФА Археология институтининг ва Миллий университетининг бир гуруҳ етакчи олимлари Шаҳрисабзга илмий-тадқиқот ишларини олиб боришди. Экспедиция Кешнинг қадимий ўрнида жойлашган Китоб туманида ўтказилган қишқалар пайтида янги ва ҳузурли илмий ҳулосалар чиқаришга асос бўлади деганидан ташқари, шаҳарнинг илк теурий тарихи ҳақидаги қадимий маълумотларни таҳлил қилди. Дастлабки натижалар, топилмалар чет эллик олимларнинг эътиборини жалб этиб, англо-америкалик археологлар ҳам экспедицияга қўшилдилар.

Тадқиқотларга сўнган ҳолда Шаҳрисабзда икки марта халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилинди. Унда Франция, Германия, Англия ва бошқа давлатлардан ўнлаб олимлар, мутахассислар қатнашди. Конференция қатнашчилари тарихий манбар ва қўлга киритилган археологик ашёларни таҳлил этишди, Кеш—Шаҳрисабз шаҳарининг ёши 2700 йил эканлигини таъкидлашди. 1999 йилда ЮНЕСКО эксперти Андрио Бруно қаноблари Шаҳрисабзга ташириб буюрганда, теурийлар даврида қурилган меъморий обидаларнинг бетакдор мавқеаси унда чўқур тасвурнинг уйғотилди. Шу билан ҳам ушбу ёдгорликларни умумжаҳон мероси сифатида эътироф этиш тақдирини халқаро ташкилот билдириди. Шундан сўнг Шаҳрисабзга 14 та тарихий обида, шаҳарнинг тарихий маркази ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди. Оқсарой, Доруттироғат, Доруоссаолат мажмуалари дунёнинг етти муъжизаларидан ҳисобланган Миср эҳромлари, Тожмаҳал қаторида тил-

га олина бошлангани кўнчилимида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. — Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги нишонлаш, тарихий обидаларининг ЮНЕСКО томонидан умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши улуг ишларнинг дебосчаси демакдир. Муқаллас ва обод бир шаҳарнинг бунёд этилиши, музейлар, кўнграқлар, зиёратгоҳларнинг ташкил бўлиши, қадим Кешнинг қадимий туздан ўзгариш мукарраблар. Аммо ҳозир масаланинг бошқа томони — бу икки тарихий воқеанинг маънавий аҳамияти ҳақида гапирсангиз дегандим...

— Бу мамлакатимизда қадимий қадриятларни тиклаш, улуг аждоғларимизнинг бой меросини асраб-авайлаш, ёш авлодини муқтадрилигимизнинг тарихи ва келажакдан фахр-ифтихор руҳида тарбиялаш соҳасида амалга ошириладиган кенг миқёсдаги сай-ҳаракатларнинг натижасидир. Айгини мумкинчи, узлигимизни ўрганиш ва тадқиқ этиш имкони яратилганлигини ўзи тасвирланган аризонлик маънавий ютуқдир. Бугун Шаҳрисабз тилмосида Ўзбекистонга дунё нигоҳи яна бир бор қаратилди. Бу фарзандларимиз Истиқлолнинг қадр-қимматини янада чўқурроқ ҳис этишларига ёрдам беради.

— Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига қандай тайёргарлик қилинапти? — Ҳозирги кунда шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари давом этаётти. Қадимий обидаларни таъмирлаш мақсадида Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарларидан 90 нафар энг моҳир усталар ташириб буюрилди. Айни вақтда улуг Кўктуғмаз, Жаҳонгир, Чорсу, Чўбин меъморчилик обидаларида кенг қўламдаги таъмирлаш ишларини олиб боришапти. Шунингдек, Доруттироғат мажмуаси ва Чорсу ёдгорликларидида Шаҳрисабзга «Мерос ОХЖ»нинг 55 нафар устаси меҳнат қилапти. Хивадан келган 30 кишидан иборат махсус гуруҳ Оқсаройда иш бошладилар. Ҳозиргача 30 миллион сўмлик иш бажарилди. XIX асрда қурилган Миллий Аждар маъноси ва Чорсу бунёд этилган Чорсу мажмуаси тулик таъмирлан чикарилди. XV аср ёдгорини — Каба қарвонсаройида ҳам таъмир ишлари олиб борилапти. Келгусида Чорсу мажмуасида халқ амалии санъати, расомчилик галереяси очилиши режалаштирилган. Амир Темур моддий-маданий тарихий музейи базисида Шаҳрисабз давлат музей-қўриқхонасини ташкил этиш қўзда тутилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда давлатчилик ва шаҳар-созлик маданиятининг шаклланишида Кеш—Шаҳрисабзнинг тутган ўрни мавзуда халқаро илмий-амалий анжуманлар уюштириш ниятланган.

Санобар БОЙМУРОДОВА сўхбатлашди.

САВОЛ БИЗДАН...

Она, сизнинг ёнингизда қололмайим, Кўзингизга гард кўнди, мен ололмайим. Бу дунёда ҳаловату ором надири? Оромингиз олдим, ором беролмайим.

Ушбу шеърини сатрлар қайси шоирнинг қаламига мансуб?

Кечга сонда берилган саволнинг жавоби: Бангалдеш.

Бу ҳақда тошкентлик Акмал Бурхонов ҳамда Бахтиёр Ҳайдаров хабар беришди.

136-35-60

«Ғаройиб оқшом» — саҳнада

Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек драма театрида мисрлик адиб Тағриқ ал-Ҳаким асарига асосда саҳналаштирилган «Ғаройиб оқшом» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур спектакль июль инқилобининг 50 йиллиги ҳамда Миср билан мамлакатимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўнатирилганлигининг 10 йиллигига бағишланди.

Спектаклни тайёрлашда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда «Ўзбекистон—Миср» дўстлик жамияти яқиндан ёрдам кўрсатди. Тағриқ ал-Ҳаким асарлари инглиз, француз, рус, ўзбек, италян, испан тилларида ҳам нашр этилган бўлиб, у Мисрнинг энг юксак мукофотларидан бири — Нил ордени билан тақдирланган.

«Туркистон-пресс».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

маъмурияти 2002/2003 ўқув йилига кўйдоғи таълим йўналишлари бўйича бакалавриятга ҚАБҮЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доголаш иши; тиббий-профилактика; тиббий-педагогика; олий маълумотли хамширалик.

Абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидагиларни тақдим этадилар:

- ректор номига таълим йўналиши ва тили кўрсатилган ариза;
- ўрта ёки ўрта махсус маълумот (олий маълумотли хамширалик мутахассислиги бўйича кирувчилар ўрта тиббий маълумот) тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 0-86У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3x4 см ўлчамдаги 6 донга фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат нахсан кўрсатилади. Абитуриентлардан ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача (шу кунни ҳам) қабул қилинади.

Олий маълумотли хамширалик мутахассислиги бўйича «Хамширалик иши» фани бўйича иждоий (профил) имтиҳон ўтказилади. Барча абитуриентлар учун тест синовлари 1 августда ўтказилади.

Доголаш, тиббий-профилактика, тиббий-педагогика таълим йўналишлари бўйича тест топшириқлари мажмуаси биология, кимё, она тили ва адабиёти фанларининг, олий маълумотли хамширалик йўналиши бўйича эса биология, она тили ва адабиёт фанларининг 36тадан саволларини ўз ичига олади.

Манзиллими: 700109, Тошкент шаҳри, Ғаройиб кўчаси, 2-уй, 2-ТошДавТИ бош ўқув биноси. 10, 28, 82, 116-автобусларнинг ва 32-йўналишли таксининг «2-ТошДавТИ» бекати.

6027104

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

маъмурияти 2002/2003 ўқув йилига магистратуралик кўйдоғи йўналишлари бўйича қабул эълон қилади:

акушерлик ва гинекология; ички касалликлар; кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари; кардиология; офталмология; жаррохлик; урология; қон-томир жаррохлиги; гастроэнтерология; онлаий тиббиёт; патологик анатомия; клиник лаборатория таҳлиси; коммунал гигиена; жамоат тиббиёти ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш; дерматология ва венерик касалликлар; юкулли касалликлар; фтизиатрия; ревматология; тиббий радиология; травматология ва ортопедия; суд тиббиёти.

Магистратурага кирувчилар қабул комиссиясига қуйидагиларни тақдим этадилар:

- ректор номига магистратура йўналиши ва таълим тили кўрсатилган ариза;
• олий тиббий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ва унинг иловаси;
• 0-86У шаклидаги тиббий маълумотнома;
• 3x4 см ўлчамдаги 6 донга фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат нахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 1 июндан 30 июлгача (шу кунни ҳам) қабул қилинади. Кирувчилар магистратуралик танлаган йўналиши фани, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари, чет тилидан кириш синовлари топширади. Синовлар ёзма тест (магистратуралик танлаган йўналиши бўйича ёзма тест ва озади) шаклида ўтказилади. Кириш синовлари 3-10 август кунлари бўлиб ўтади.

Манзиллими: 700109, Тошкент шаҳри, Ғаройиб кўчаси, 2-уй, 2-ТошДавТИ бош ўқув биноси. 10, 28, 82, 116-автобусларнинг ва 32-йўналишли таксининг «2-ТошДавТИ» бекати.

6027104

Газетанинг навбатдаги сони 9 июль, сешанба кунни чиқади.

Саноат ва қончилик ишларининг бекат олиб борилишини назорат қилиш агентлиги жамоаси боз қозонларини ва кўнчили иншоотларини назорат қилиш инспекцияси ноизири Бахтиёр Шукуровга онаси Каромат ая ОБИДОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбойжамгармабанк» раҳбарияти ва жамоаси банкнинг Бухоро филиали бошқарувчиси Фурқат Усмоновга онаси БИР УСМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«О ЗНПТ» акциядорлик жамияти жамоаси жамият бош директори Илҳом Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси МУҲАББАТ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекино» давлат-акционерлик компанияси, Ўзбекистон кино арборлари бирлашмаси театр ва кино санъатининг кека арбоби, меҳнат фахрийси АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онасига чўқур таъзия изҳор этади.

Азиз юртдошлар!

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

сизнинг маблагларингизни хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатидида қайтаришни ҳамда унинг қатъий сир сақлашини кафолатлаган ҳолда қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:

«НУРОНИЙ» (бир йил муддатга)	— ҳар икки ойда 7,5% дан устама;
«ОМАД» (уч ойдан кам бўлмаган муддатга)	— ҳар чоракда 6% устамадан ташқари ҳар 3 ойда миқозларга катта миқорда ютуқ ҳам берилади.
Шунингдек, жорий йилнинг 20 июнидан бошлаб қуйидаги янги омонат турларини ҳам таклиф қилади:	
«ТАЛАБА-КОНТРАКТ» (6 ойдан кам бўлмаган муддатга)	— йилига 42% дан устама тўлаш;
«ИМКОНИАТ» (6 ой ва 1 йил муддатга)	уй-рўзгор ашёси сотиб олиш учун — йилига 45% дан устама берилади;
«НИЯТ» (10 кундан кам бўлмаган муддатга)	иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб бориш учун — йилига 48% дан устама тўлаш;
«САЛОМАТЛИК» (11 ой ва кейинги муддатга)	дам олиш ва доволаниш учун маблағ йўғишга — йилига 54% дан устама тўлаш;
«НАФАҚА-МАДАДКОР» (1 йил ва кейинги муддатга)	нафақахўрларга ўз маблагларини кўнайтиришга — йилига 42% дан устама тўлаш;
«ЁШЛИК» (6 ой ва кейинги муддатга)	ўсмирларнинг маблагларини кўнайтириш учун — йилига 42% дан устама тўлаш;
«ТАДБИРКОР» (1 йил муддатга)	тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун — йилига 42% дан устама тўлаш;
«КОММУНАЛ ТўЛОВ» (1 йил муддатга)	ушбу тўловларни тўлашда қўлайлик яратишга — йилига 48% дан устама тўлаш.

Сизларни ўз миқозларимиз қаторида кўришдан мамнунимиз!

«ҒАЛЛАБАНК» хонадонингизга барака келтирсин!

Маълумот учун телефонлар: 133-71-72, 56-22-65, 34-41-59.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲРОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙШБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Манашият ва маърифат — 136-35-60;

Газетачилар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48;

Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Бюролма Г — 677, 28078 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базисида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Навбатчи — М. ҚОЛМАТОВА. Маъсух — Ш. МАСПРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинади. □ — тахрирот материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.40.

1 2 3 4 5 6